

---

## ЧЕВАР ҚИЗЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган «Беш ташаббус» олимпиадаси бу ёшларимизнинг энг севимли мусобақаларига айланиб бормоқда. Қолаверса ушбу танлов орқали минглаб ёшлар ҳали орзу қилаётган марраларни ўз меҳнатлари билан қўлга киритишмоқда. Бу йилги беш ташаббус олимпиадаси ҳар галгиданда ўзгача ўтмоқда. Эндиликда ёшларни касбга бўлган қизиқишларини янада ошириш, уларни иқтидорларини намоён қилиш мақсадида касб-ҳунарлар бўйича ҳам турли танлов ва мусобақалар ташкилланган. Бугун 4-сектор ҳудудида кирувчи маҳалла ёшлари ўртасида Беш ташаббус олимпиадаси, „ Касблар“ танлови доирасида тикувчилик мусобақаси бўлиб ўтди. Бунда маҳалладаги 18-30 ёшдаги чевар қизлар ўз истеъдодларини намоёиш қилдилар. Эндиликда туман босқичида туманимизнинг ёш ва иқтидорли чеварлари бахс олиб бордилар.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-05-03 16:38:06